O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 27 июль, № 146 (4299) Жума


# ЎЗАРО ИШОНЧЛИ ВА МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июль куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик кенгаяётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар азалий дўстлик, қардошлик риштлари асосига қурилган. Халқларимиз қадимдан ёнма-ён яшаб, бир-бирининг қувонч қайғусига шерик бўлиб келган.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликка оид масалаларга, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим ўрин тутади. Икки давлат Президентларининг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги сиёсий соҳада ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий соҳада эса икки томонлама манфаатдорлик руҳини қарор топтиришнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.

2006 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммитида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилган эдилар. Шу тариқа Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг ноёб механизми яратилди.

Кенгашнинг биринчи мажлиси Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг 2006 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган норасмий учрашуви чоғида ўтказилди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев сувдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалаларни муҳокама қилдилар. Чегарага туташ ҳудудларда савдо шохобчалари очиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдони янада ривожлантиришга, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчихоналарга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, ҳарбий кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Карим Масимовнинг Ўзбекистонга ташрифи асносида Тошкентда Қозоғистон Тараққиёт банкининг ваколатхонаси очилгани ҳам Президентлар келишувининг натижасидир. Шунингдек, пойтахтимизда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши кўриб чиқилиб, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини турли соҳалардаги ҳамкорлик масалаларига оид юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳар йили 20-35 фоиз ўсмоқда. 2006 йилда мазкур кўрсаткич 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2005 йилдагидан қарийб 40 фоиз кўпдир. 2007 йилнинг январь-июнь ойларига доир кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошиб, 583,4 миллион АҚШ долларига етди. Умуман, мутахассислар бу кўрсаткични бир миллиардга етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлашади, ҳозирги ўсиш суръати эса бу миқдор ҳам чегара эмаслигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистонда бир юз йигирмадан зиёд, Қозоғистонда эса юздан ортиқ ўзаро шериклик асосида ташкил этилган қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари сирасига киради. Хусусан, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот марказлари ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Масалан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистон Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Қозоғистонда ташкил этилаётган халқаро форумларда мунтазам иштирок этиб келади.

Оқсаройдаги учрашувда К.Масимов Ўзбекистонга ташрифи самарали кечаётганини, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлисида эришилган келишувлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**



**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон-Қозоғистон:

## ДАВЛАТЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 26 июль куни Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари раҳбарлигида фаолият юритувчи Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов иштирок этди.***

Мажлисда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, энергетика, нефть-газ, фан-таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият, транспорт коммуникациялари, саноатнинг кўплаб тармоқлари, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги дўстлик, қардошлик ва қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 718,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2007 йилнинг январь-июнь ойларида эса мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 93,2 фоиз ошгани мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми жорий йилда бир миллиард АҚШ долларига етишидан далолат бермоқда.

Мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида изчил ривожланиб бораётгани қайд этилди. Икки давлат Президентларининг учрашувларида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни атрофлича таҳлил қилинди. Томонлар Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид кенг кўламдаги масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари катта, — деди Қозоғистон Бош вазири К.Масимов. — Биз, қозоғистонликлар мамлакатингизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз ва қўллаб-қувватламоқдамиз. Ушбу ислоҳотлар мустақил Ўзбекистоннинг тобора равнақ топиб, халқингиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни ҳам жуда қувонтирди. Бу Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказишга қаратилган оқилона сиёсати самараларидандир.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2007-2016 йилларда иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги билан Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазирлиги ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим имзоланди.

Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси қатнашчилари Қозоғистон Тараққиёт банкининг Тошкентдаги ваколатхонаси очилиш маросимида ҳам иштирок этди.

Шу куни Қозоғистон Республикаси Бош вазири К.Масимов Темурийлар тарихи давлат музейи экспозицияси билан танишди.

Шунингдек, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган ушбу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини алоҳида таъкидлади.

**Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбирлари.**

***Нукусда Қорақалпоғистон Республикасининг жорий йил ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев бошқарган мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётидаги ислоҳотлар изчиллашаётгани боис ярим йилда ялпи ички маҳсулот 12,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши 18,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 5,6 фоизга ўсгани қайд этилди. Ҳисобот даврида ташқи савдо ижобий сальдоси 46 миллион АҚШ долларини, кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,4 фоизни ташкил қилди.

Айни пайтда, халқ хўжалигининг қатор соҳаларида олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш, саноатдаги қувватлардан тўлароқ фойдаланиш, қўшма корхоналар фаолиятини бугунги талаблар даражасига чиқариш, касаначиликни кенг қулоч ёйдириш, ижтимоий соҳадаги янгиланишларга барқарорлик бахш этиш борасида муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари М. Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н. Хонов қатнашди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

* * *

*Шунингдек, Қашқадарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ҳам ярим йил якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.*

Таълим ислоҳотлари:

## ЮКСАК САМАРАЛАР

**Мустақил ривожланишнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда демократик ўзгаришлар шароитида жамият турмушини янгилашнинг асосий бўғини сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсатини изчиллик билан амалга оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Таълим тизимини ривожлантириш иши ва бу борадаги вазифалар моҳият эътибори билан замонавий ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ташкил этилган давра суҳбати иштирокчилари ана шу вазифаларни ҳал этиш жараёнини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги иши замирида муҳокама этдилар. Таълим соҳасини ислоҳ қилишга Ўзбекистонда демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг мажбурий шарти сифатида қаралаётганлигини сенаторлар муҳокама асносида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Белгилаб олинган мақсадларга муваффақиятли тарзда эришиш учун мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асоси бўлмиш "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Ана шундан кейин ўтган ўн йил мобайнида бу ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Барча фанлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва режалари амалиётга жорий этилди, замонавий дарсликлар чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони бу йўналишдаги ишларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Унда кўрсатилган муддат мобайнида мамлакатимизда 2 888 311 ўқувчи ўрнига эга бўлган 8476 та мактабнинг моддий-техника базасини тубдан янгилаш ва такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, давлатимиз бошлиғи ташаббуси билан қабул қилинган ана шу Дастур доирасида ҳозирги вақтда 4669 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 205 та янги мактаб фойдаланишга топширилди, 1174 та мактаб тубдан реконструкция қилинди, 2074 та мактаб капитал таъмирланди, 1216 та умумтаълим муассасаларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

Дастур доирасида таъмирлаш-қурилиш ишлари амалга оширилган барча таълим муассасалари замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар ҳамда 350 дан ортиқ турдаги ўқув ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ҳозирги вақтда мактабларнинг янги модификациядаги компьютерлар билан таъминланганлик даражаси 38,7 фоизни ташкил этмоқда, замонавий ўқув-компьютер синфхоналари билан таъминланганлик даражаси эса мамлакат бўйича 24 фоиз кўпайди. Таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш ишлари ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, шунингдек, такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, ишлаб маромига етказилган ўқув дастурлари жорий этилганлиги туфайли ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш самарадорлиги, маҳорат ва кўникмалари анча ошди. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижалари ўқувчиларнинг билими сифати ўрта ҳисобда 23 фоизга ошганлигини кўрсатди.

Тадбир иштирокчилари сенаторлар ва депутатларнинг, маҳаллий органларнинг Мактаб таълимини ривожлантиришнинг 2004–2009 йилларга мўлжалланган Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишга, мактабларни, айниқса, қишлоқ мактабларини техника билан жиҳозлашга, хусусан, ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар ва спорт инвентарлари билан таъмин этишга кўмаклашишдаги роли ҳақида атрофлича сўз юритдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг намояндалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, жамоат бирлашмалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

## БАНК ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда банк тизимини ислоҳ қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганлиги барчамизга аён. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар асосида ушбу соҳанинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши туфайли юртимизда халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк тизими шаклланди. Хусусан, банк тизимига бўлган ишонч ортиб, пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, микрокредит ва микролизинг каби хизматларнинг янги турлари ўзлаштирилди. Омонатларнинг эътиборни тортадиган турлари жорий этилди.***

### Қарор ва ижро

*Шу билан бирга, бозор муносабатларининг тобора такомиллашиб бораётганлиги баробарида банк-молия тизимида рақобат муҳитининг кучайиши, ўз навбатида, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, шунингдек, банкларнинг капиталлашуви даражасини ошириш ҳамда инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада фаоллаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, яқинда Президентимиз томонидан "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинганлиги айни муддао бўлди.*

*Хўш, мазкур қарорнинг мақсад ва моҳияти нималардан иборат? У жамият ҳаётида қандай ўрин тутади? Мухбиримиз шу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Шуҳратжон ҲАЙДАРОВга мурожаат қилди.*

**— Қарор қабул қилинишидан кўзда тутилган асосий мақсад, қолаверса, банк тизими олдига қўйилаётган бугунги устувор вазифалар ҳақида гапириб берсангиз?**

— Мазкур қарорнинг эътиборга молик томони шундаки, унда банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Масалан, ушбу ҳуқуқий ҳужжат банкларнинг капиталига аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун қўшимча акциялар чиқариб, фонд бозорида фаол жойлаштириш ҳисобига банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга кенг йўл очиб берди. Шунингдек, тижорат банкларининг ўз капитали ҳисобидан янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳамда мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдаги инвестиция жараёнларида кенг иштирок этиши, шу асосда рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга янада қулай имконият яратди.

Қолаверса, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш, мижозларни биринчи талаби бўйича нақд пул билан узлуксиз таъминлаш, мини-банклар тармоғини кенгайтириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириб, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада оширишга имкон берди.

**— Шу ўринда, кўпчиликда ислоҳотларнинг ушбу босқичида нима учун айнан банкларнинг капиталлашувига чуқур эътибор қаратилаяпти, деган ҳақли савол туғилиши табиий...**

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай банкнинг салоҳияти, энг аввало унинг капитали, ресурс базаси ва активлари салмоғи билан баҳоланади. Аёнки, банкнинг ресурс базаси асосан банк капитали ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг банклардаги депозитларидан ташкил топади. Демак, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект энг асосий сармоядор ҳисобланади. Улар-

(Давоми 2-бетда).



***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига биноан шаҳар тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.***

## ЯНГИ ИНШООТЛАР — ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

*Ушбу ҳужжатда қайд этилганидек, бундан кўзланган мақсад Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилоннинг 2000 йиллик санасини муносиб нишонлаш, халқимизнинг боқий меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришдан иборатдир.*

*Шу кунларда Марғилон шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган ва тубдан таъмирланган бир қатор замонавий ва тарихий иншоотларнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтмоқда. Уларда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.*

(Давоми 3-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Фикр алмашдилар

***Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида сиёсий партияларнинг қуйи бўғинлари қандай иштирок этишаяпти? Уларнинг фаоллигини ошириш учун нима қилиш керак?***

■ Қашқадарё вилоят Адлия бошқармаси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали ташкил этган ўқув-семинарда шу ҳақда қизғин мунозара бўлди. Унда иштирок этган «Адолат» социал-демократик, «Фидокорлар» миллий демократик, «Миллий тикланиш», ЎзЛиДеП, Ўзбекистон халқ демократик партиялари вакиллари демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ва фаоллигини ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Семинарда мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун кенг имконият туғдирадиган қонунлар тизими яратилганлиги, партиялар уларга тўлиқ амал қилиш орқали ўзларининг жамиятдаги мавқеини оширишлари мумкинлиги алоҳида таъкидланди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Чорсу»да бадиий кўргазма



***Регистон майдонидаги «Чорсу» картиналар галереясида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан «Қудратимиз — бирликда ва ҳамжиҳатликда» ҳамда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида бадиий ва фотоасарлар кўргазмалари очилди.***

■ Кўргазмаларда вилоятдаги барча миллий маданий марказлар ижод намуналари билан иштирок этишаяпти. Намойиш этилаётган асарларда Ватанга муҳаббат, дўстлик, ҳамжиҳатлик тараннум этилган.

— Самарқандга, Ўзбекистонга бўлган чексиз севгимизни қалбларимиздан бадиий асарларга кўчиришга ҳаракат қилдик, — дейди Самарқанддаги Озарбойжон миллий маданий марказининг раҳбари Гамад Аҳмедов. — Бугунги энг эзгу мақсадимиз, жонажон шаҳримизнинг 2750 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишдир.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Экспорт салоҳияти ошмоқда

***Навоий шаҳри корхоналарининг 2007 йил биринчи ярмидаги маҳсулот экспорт ҳажми 184,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.***

■ Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баравар кўп демакдир. Ушбу ютуққа эришишда «Навоийазот» ОАЖ, Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» ОАЖ, «Навоийэлектрокимё» заводи ва бошқа корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Андижон қишлоқ хўжалик институтида ташкил этилган "Биосервис" илмий-ишлаб чиқариш маркази Избоскан, Пахтаобод, Андижон, Улуғнор туманларидаги фермер хўжаликларининг фойдали ҳашаротларга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.***

## «Биосервис» — деҳқон мададкори

■ Бугунга қадар бу ерда 10 миллион сўмлик габробракон, трихограмма, олтинкўз каби биомаҳсулотлар етиштирилди. Эътиборли жиҳати шундаки, институт талабалари амалиётни ушбу марказда ўтаб, тўплаган билимларини мустаҳкамламоқдалар.

Биомарказ жамоаси мутасаддилар билан ҳамкорликда вилоятдаги биофабрика ва биолабораторияларга илғор технологияларни қўллаш орқали уларнинг фаолиятини янада жонлантириб, жорий йилда 30 миллион сўм даромад олишни режалаштирган.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фермерлар учун комбайнлар

***Хоразм вилоятига Россиянинг Красноярск машинасозлик заводида ишлаб чиқарилган «Енисей – 954» ҳамда «Енисей – 1200 НМ» русумли янги комбайнлар келтирилди.***

Акционерлик-тижорат «Асакабанк»и кўмагида «Агромашхолдинг» хорижий корхонаси томонидан келтирилган ушбу техника воситалари воҳа фермерларига маъқул бўлмоқда.

— Бу ҳамкорликдаги ишимизнинг бошланиши, — деди «Асакабанк»нинг Хоразм вилоят филиали мутахассиси Ҳусанбой Отажонов. — Ҳозирча лизинг асосида ўнта комбайн олиб келинди. Ушбу техника фермерларга имтиёзли нархда, «Асакабанк»нинг тегишли банк кредитлари асосида берилади.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «Зиё» таклиф этади

***Гулистон шаҳридаги «Зиё» нашриёти бугунги кунда вилоятдаги маънавият ва маърифатнинг ҳақиқий ўчоқларидан бирига айланди.***

Бу ерда адабий-бадиий, илмий-маърифий кўпдан-кўп китоблар, рисолалар ва буклетлар нашр этилмоқда.

— Биз ҳар бир муаллифнинг асарини синчковлик билан ўқиб-ўрганиб чиқамиз, — дейди нашриёт директори Баҳора Холбекова. Улар ҳам бадиий, ҳам ғоявий жиҳатдан пишиқ-пухта бўлмоғи шарт. Энг асосий ниятимиз, ёшлар ижодини тарғиб қилишга йўналтирилган. Эшигимиз улар учун ҳамиша очиқ. Ёшлар бир-бирининг китоблари таъсирида маънавий баркамол бўлиб вояга етишларини истаймиз.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАНК ТИЗИМИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

нинг банклардаги маблағлари қанча кўп бўлса, банкнинг кредит бериш, инвестиция қилиш, яъни банкларнинг инвестицион жараёнларда иштирок этиш салоҳияти ҳам шунчалик кучли ва мустаҳкам бўлади.

Шу боис Президентимиз айнан банкларнинг капиталлашувини янада оширишга алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас. Чунки бу нафақат банк ресурсларининг асосий қисмини янги, замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ёхуд мавжуд корхоналарни модернизациялашга, балки янги иш ўринлари яратилишига, пировардида эса, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти янада ортишига, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Шу ўринда газетхонларимиз эътиборини қуйидаги маълумотга қаратишни истардим. Агар ўтган йилда тижорат банкларининг 62,5 млрд. сўмлик акциялари юридик ва жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган бўлса, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 112,8 млрд. сўмлик банк акциялари чиқарилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали ўтган олти ой давомида йил бошидагига нисбатан 10,1 фоизга ёки 107,7 млрд. сўмга ортганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Тижорат банкларининг юқори даромадли акцияларига бўлган талабни тўлароқ қондириш мақсадида 2007 йилнинг иккинчи ярмида қўшимча равишда 230,0 млрд. сўмлик акцияларни муомалага чиқариш ва уни фонд биржаси орқали сотиш режалаштирилган.

Мазкур қарорда, янги чиқарилаётган тижорат банклари акциялари хажмини камида 25 фоиз миқдорида фонд биржасида бирламчи очиқ жойлаштирилиши ҳам халқимиз учун акцияларни сотиб олишда енгиллик яратиш, ҳар биримизнинг хоҳиш-истагимизни тўлиқ қондиришга қаратилганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Очиғи, қарорда белгилаб берилган чора-тадбирлар банк-молия тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва банклар фаолиятини янада эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Энди тижорат банкларига 2012 йилгача даромад солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилди.

**— Қарорга назар ташлайдиган бўлсак, унда айнан учта — «Микрокредит банк», «Пахта банк» ва «Ипотека банк»ни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ўз аксини топган. Ушбу банкларни бу даражада молиявий қўллаб-қувватлашнинг сабаби нимада?**

— Чунки ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг микрокредитларга бўлган талабини тўла қондириш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, янги иш жойларини яратиш, бу олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини молиявий қўллаб-қувватлаш, соҳани замонавий ускуна ва мини-технологиялар билан қуроллантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш долзарблигича қолмоқда.

Сезаётган бўлсангиз, айнан бу каби вазифалар кўпроқ ана шу учта банк зиммасига юклатилмоқда. Нега? Чунки улар республикамизнинг энг йирик банклари қаторига кирибгина қолмай, балки шу соҳада катта салоҳият ва тажрибага эгалиги ҳаммамизга аён. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида мазкур банкларнинг тегишли бўлим ва шохобчалари, ҳаттоки туман марказидан жуда олисда жойлашган аҳоли пунктларида мини-банклари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, аҳолига сифатли банк хизматини кўрсатишда муҳим омил ҳисобланади.

Қарор мазмун-моҳиятига эътибор берсак, айнан "Микрокредит банк", "Пахта банк" ва "Ипотека банк"нинг бевосита Низом жамғармасини кўпайтириш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш қатъий белгиланди. Жумладан, давлат бюджетидан "Микрокредит банк"ка 42,0 миллиард сўм, "Пахта банк" ва "Ипотека банк"ларига 25,0 миллиард сўмдан, жами 92,0 миллиард сўм йўналтириладиган бўлди. Эътибор бераётган бўлсангиз, бу чакана маблағ эмас. Давлат бюджетидан ажратилаётган ана шу миллиардлар аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш, турмуш фаровонлигини янада ошириш, олис қишлоқлардаги фуқароларимизнинг банк кредитларидан фойдаланган ҳолда яшаш даражасини ошириб, ўз оилавий бизнесини йўлга қўйишида ўзига хос ёрдам бўлишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак...

**— Назаримизда, мазкур қарорнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири — бу ипотека бозорини халқаро андозалар даражасида ривожлантириш учун пухта замин яратишдан иборат. Шундай эмасми?**

— Жуда тўғри. Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлароқ қондириш, уй-жой қурилишини ривожлантириш ва мазкур жарёнларни молиялаштириш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан қабул қилинган "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ҳам мамлакатимиз аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлаш, республиканинг кичик шаҳар ва қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини жадал ривожлантириш, бу учун имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлаш тизимини кенг жорий этишни рағбатлантиришга қаратилган.

> Тижорат банклари томонидан 2006 йил давомида **10,9** млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг олти ойи давомида **24,0** млрд. сўмни ташкил қилди ёки ажратилган кредитлар салмоғи қарийб **2,5** баравар ортди.

Ўтган қисқа давр ичида, бу соҳада амалга оширилган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Масалан, тижорат банклари томонидан 2006 йил давомида 10,9 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг олти ойи давомида 24,0 млрд. сўмни ташкил қилди ёки ажратилган кредитлар салмоғи қарийб 2,5 баравар ортди. Бундан ташқари, ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган имтиёзли кредитлар миқдори 20,0 млрд. сўмдан ортиб, уни йил охиригача 50,0 млрд. сўмдан ҳам кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Хабарингиз бор, Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда "Ипотека кредити беришни қўллаб қувватлаш жамғармаси" ташкил қилинган эди. Ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан аҳолига уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли 5 фоизли кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Тажриба шуни кўрсатдики, банклараро бозордан маблағларни жалб қилмасдан туриб, фақатгина давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабини тўла қондириб бўлмайди. Банклар томонидан ажратиладиган тижорат кредитлари эса қарз олувчининг оила бюджетига жиддий зарар етказиши мумкин.

Президентимизнинг Қарорига асосан бундан буён Жамғарма томонидан банклараро бозордан жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоиз ставкаси билан имтиёзли ипотека кредити фоиз ставкаси ўртасидаги тафовут Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилди. Бу ҳам, ўз навбатида, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, айниқса кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида мамлакатимиз аҳолиси томонидан эътироф этилишига ҳеч қандай шакшубҳа йўқ, албатта.

**— Маълумки, пластик карточкалардан турли тўловларни амалга оширишда фойдаланишнинг қамрови молия тизимининг қай даражада ривожланганлигини белгиловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади...**

— Фикрингизга қўшиламан. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиққан ва улар ҳаётга жорий этилмоқда. Сир эмас, бугун қаерга борманг, аҳоли ўртасида пластик карточкалардан фойдаланиш кенг тарқалмоқда. Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони бугунги кунга келиб 3,4 миллиондан ортиқлигининг ўзи кўп нарсадан далолатдир.

Шундай бўлса-да, ушбу инфратузилмани ривожлантириш, зарур дастурий материаллар билан таъминлаш, пластик карточкалар воситасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланиладиган банкоматлар, терминаллар ва бошқа жиҳозлар тармоғини кенгайтириш учун муайян маблағларга эҳтиёж сезиларди. Мазкур қарорда эса пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланадиган зарурий материал ва жиҳозларни импорт қилишда берилган божхона ва солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

**— Айтингчи, мазкур қарорда белгиланган тадбирлар оддий одамлар турмуш фаровонлигини янада яхшилаш учун нима беради?**

— Ҳақли савол. Ҳар қандай давлатда ҳам, банклар ва банк тизимига иқтисодиётнинг юраги ёки қон томири сифатида қаралади. Юрак ва қон томирининг тўлақонли ишлаши ҳар қандай организмнинг ҳар бир бўғинигача ижобий таъсири бўлгани каби, банк тизимини янада эркинлаштириш ёхуд капиталлашув даражасини ошириш нафақат бир иқтисодий тизимнинг ривожланишига, балки жамият ва аҳоли фаровонлигининг ошишига, пировардида оддий бир фуқаронинг ҳам турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини жадаллаштириш борасида қабул қилинаётган қонунлар-у, меъёрий ҳужжатларда бўлгани каби ушбу Қарорда ҳам асосий эътибор халқимизнинг яшаш даражаси ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат САНАЕВ**
**суҳбатлашди.**

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



### «Зенит электроникс»: МАҲСУЛОТ СИФАТИГА КАФОЛАТ БОР

***Яқинда Япониянинг етакчи нашрлардан бири — "The Japan Times" газетаси мамлакатимиз ҳақида бир мақола чоп этди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди: "Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион муҳит боис бу ерга тўғридан-тўғри жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми ошиб бормоқда.***

Ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга энг замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар келтирилиши эса экспорт ҳамда ташқи савдо айланмаси тузилмасини сезиларли даражада ўзгартириш имконини берди". Пойтахтдаги "Зенит электроникс" қўшма корхонаси чет эл сармоядорлари иштирокида ташкил этилган шундай корхоналардан биридир. Унинг маҳсулотлари аллақачон ўз харидорини топган. Зеро, бугунги кунда бу ерда 18 турдаги телевизор, 6 турдаги кондиционер, 3 хилдаги "DVD" плейери, микротўлқинли печлар ва бошқа маиший ҳамда рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу корхонанинг маҳсулотлари асосан Тошкентдаги Алишер Навоий кўчасида жойлашган савдо дўконида сотилади. Сотувчи Зайнобиддин Дўстмуҳамедовнинг айтишича, "Зенит электроникс" қўшма корхонаси маҳсулотлари — телевизор ва совутгичлар кафолати бир йил эмас, уч йил этиб белгиланган. Агар шу муддат ичида, айтайлик, совутгич бузилиб қолса, ишлаб чиқарувчи уни бепул таъмирлашни ўз зиммасига олади. Шу боис, бозорларимизга ноқонуний кириб келаётган сифатсиз товарлар кескин камайди. Бу ҳолат, бир тарафдан, соғлом рақобат муҳитини яратса, иккинчидан, иқтисодиётимиз юксалишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

***Яқинда тўйтепалик танишим Адей Ўрозбеков иш юзасидан бир дўсти билан Москвага бориб келди.***

***— Бир марта кафега кириб, биринчи ва иккинчи овқат еб, чой ичишимиз бизнинг пулга ҳисоблаганда 340 минг сўмга тушди, — деди Адей ака ва менга кафе ёзиб берган чекни кўрсатди. — Бизнинг ошхона ва чойхоналарнинг садағаси кетсанг арзийди. Ярим коса гўжа ёки лағмон олиб, тандирдан узилган иссиқ нон билан чой ичишнинг гаштини айтмайсизми.***

**▼ Шукроналик**

## НОЗ-НЕЪМАТИ БЕБАҲО ЮРТИМ

Менинг Қуйи Чирчиқ тумани марказида яшайдиган таниш-билишларимдан бир нечтаси ҳар йили ёз ойларида Россиянинг Самара областига бориб деҳқончилик қилишади. Шарти шуки, ижарага олинган ерга нима экишса ҳосилнинг ярмини ернинг эгасига беришади, ярмини эса ўзлари Самара бозорларида сотишади. Яқинда улар қўнғироқ қилишди. Энди тартиб ўзгарибди. Россия фуқароси бўлмаган одамнинг бозорда савдо қилиши тақиқланибди. Танишларим маҳсулотнинг ўзларига тегишли қисмини энди маҳаллий олиб-сотарларга улгуржи сотишаётганмиш. Топганларини еб-ичишдан орттириб, қайтиш учун йўлкирага йиғишаётганмиш.

Икки йил олдин мен билан бирга ишлайдиган ҳайдовчи Исломқулнинг ўғли Ҳусанбой ҳам мўмай пул топиш мақсадида Россияга кетган эди. У уйга пул юбориш тугул, топгани овқатига зўрға етаётгани ҳақида қўнғироқ қилиб турди. Она бечора чидай олмай «пулинг керакмас, уйга қайт» деди. Қайтишнинг ўзи бўладими? Йўлкирани қаердан олади? Бу салкам бир йилга чўзилди. Исломқулнинг хотини ақлдан озишига сал қолди. У ҳар куни тун ярмида қозон осиб, ана Ҳусаним кириб келяпти, ўғлим мана иссиққина ичиб ол, деб шўрва қайнатиб ўтирадиган одат чиқарди. Бундай ҳолат бир неча ой давом этди. Ахийри, Исломқул бировларнинг ёрдамида ўғлини бир амаллаб Россиядан чақиртириб олди. Ҳозир Ҳусанбой Тошкентда ишлаб, шу йил уйланиш тараддудини кўряпти.

Бундай мисолларни юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Ўзга юртда қадр топаман деган одам панд ейди. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу. Ўрта Чирчиқ туманидаги Чиғирик қишлоғида яшайдиган бир танишим бор. Исми Зиёд, фамилияси Бўрибеков. Миллати қозоқ. Уни ҳамма Зиёдхон домла дейди. Тўғри сўз ва диёнатли одам. У билан кўп марта мулоқотда бўлганман. Охирги марта уч ой олдин суҳбатлашгандик.

— Тўкинчиликда, мўл-кўлчиликда Ўзбекистонга етадиган юрт йўқ, — деди у қатъий. — Мен бориб келаётган қўшни юртларда пул бўлгани билан ҳамма нарса қиммат. Бунинг устига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бу ердагидек сероб эмас. У ернинг одамлари мева-чева, полиз ва сабзавот маҳсулотлари Ўзбекистондан боришини кутиб ўтиришади. Агар бормай қолса, нарх-наво осмонга чиқиб кетади.

Тошкент вилоятининг Дўстобод шаҳрида яшайдиган Ойбек исмли йигит билан қилган суҳбатимизда шундай деди:

— Мен шаҳримиздаги тўй ва маъракаларда ош дамлаб юриб танилиб қолдим. Шунинг учун бўлса керак, яқинда қўшни давлатлардан бирига ишга борган бир танишим мени ошпазликка чақириб қолди. Жуда катта иш ҳақи ваъда қилди. Лекин бормадим. Сабаби, ўтган йили шаҳримиздан бир гуруҳ йигитлар ўша ердаги қурилишларга бориб ишлаб, ваъда қилинган иш ҳақларини ололмай, берган пулларини овқатга ва йўлга сарфлаб қайтиб келишди. Ўз юртимиздан қўймасин, бизда барака ҳам, инсоф ҳам бор.

Ҳамма ерда тошу тарози борлигини мен узоқ юртларда ҳам кўрдим. Ҳисоб-китобсиз ҳеч нарса йўқ. Ўндан ортиқ хорижий давлатларда бўлдим. Юз сўмга бир чойнак чой олиб ичиш фақат бизда бор. Хорижда меҳмонхона ҳисобидан фақат бир стакан чой ичилади, иккинчиси ва ундан кейингиларига ўз ҳисобингиздан тўлайсиз. Буёғи фалон долларга тушишини билсангиз, ҳўплаган чойингиз томоғингиздан ўтмай қолади. Мисрнинг Хургада шаҳридаги бир ресторанда икки стакан ортиқча чой ичиб қўйиб, кўп безовта бўлганман. Туркияда бўлганимда бизда кўп қаватли уйларда ҳамда ҳовлиларда жўмракдан оқиб турадиган тоза ичимлик суви савдо дўконларида сотилишини кўргандим.

Кечирасиз, ҳозирги айрим ёшлар ноннинг қадрини, унинг ғоятда азиз эканлигини билишмайди. Буни уларга тушунтириш ва ҳаётда кўрсатиш биз ёши катталарнинг вазифаси. Албатта, уларни оч қолдириш ҳисобига эмас. Қотган, суви қочган, дастурхонда қолган майда бўлакларни ахлатхонага ташлаб юбориш увол ва гуноҳ эканлигини улар билишсин. Биз ноннинг қанчалик азиз ва табаррук эканини Хитойга борганда билдик. Тараққий этиб кетган Германия ва Бельгия каби давлатларда ҳам овқатланиш жойларида нон исроф қилинаётган ҳолатларни кўрмадик. Кесилган ноннинг ҳар бир бўлаги ҳисобда.

Одатда, хорижга борилганда уйга қайтишда совға-салом олинади. Бироқ мен бу имкониятдан бирор марта ҳам фойдаланмадим. Чунки, ўша олмоқчи бўлган нарсангиз ўзимизда арзон: мева-чеваю ширинлик ҳам, кийим-кечагу совға буюмлар ҳам. Бир сафар Кувайтдан учиб келиб, совғани олиш учун тўғри Чорсу бозорига йўл олдим. Туркияда тўрт марта бўлдим. Бир сафар Истамбулга учишда ҳам, қайтишда ҳам декларация қоғозига 20 долларим борлигини қайд қилдим. Тошкент аэропортидаги назоратчи йигит қайтганимда олдинги ва кейинги декларациядаги рақамларни таққослаб кўриб: «Амаки, шундай жойларга бориб ўн кун юрибсиз-у, невараларингизга шу йигирма долларни ҳам қиймабсиз-а!» деди. «Ташвишланма ўғлим, — дедим унга. — Ҳозир Чорсуга бораман-да, шу пулга невараларим тугул, қўни-қўшни ва қариндош-уруғларимга ҳам етадиган совға-салом оламан».

Ўзбекистондаги мўл-кўлчилик, маъмурчилик, тўкин-сочинликнинг сабаби шуки, аввало, Оллоҳ юртимизни саховатли, халқимизни меҳнатсевар қилиб яратган. Унумдор ерларимиз, жаннатмонанд боғларимиз, шарбат каби сувларимиз, шифобахш гўзал табиатимиз, халқимизнинг тадбиркорлиги ва дала ишларида миришкорлиги шундан далолат бериб турибди. Бундай юрт ва бундай халқ ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди, ўзлигини йўқотмайди, ўзи танлаган йўлдан адашмайди. Шундай экан, юртимиз ва халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Аммо, айримлар билан суҳбатлашганда гўё биздан бошқа ҳамма яхши яшаётганлиги, қаерлардадир ботмонлаб иш ҳақи олинаётганлиги айтилади. Бу эса иғводан, ҳасаддан ва бузғунчиликдан бошқа нарса эмас. Улар ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, вазиятга қараб ўзгариб турадиган, ўзгаларнинг буюртмасини бажарадиган мунофиқлардир.

Гап юртимиздаги тўкинлик ҳақида борар экан, бир нарсани унутмаслик керак. Бозорга олиб чиқилган маҳсулот эгаси — деҳқонми, тадбиркорми, воситачими, олибсотарми, ким бўлишидан қатъи назар, имонли, инсофли бўлиши даркор. Уларнинг нархи устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Енгил-елпи пул топиш илинжида юрган олиб-сотарлар бозорларимиз кўркига доғ туширмасин. Акс ҳолда тўкинликдан барака қочади. Инсоф бўлсагина барака бўлади.

Албатта, тўкинлик ва барака — юртимиз шаъни. Уни ҳимоя қилишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак. Ҳалол-пок, шижоатли, тинимсиз меҳнат самараси бўлган маъмурчиликдан ҳамма бирдай манфаат кўрсин. Юрт шаънини ҳар биримиз ўз шаънимиз деб билсаккина мақсадга эришган бўламиз. Шундагина юртимизга барака ёғилаверади.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

# ЯНГИ ИНШООТЛАР – ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Мозийдан садо

Марғилон тўйига тайёргарлик доирасида амалга оширилаётган ишлар миқёси ва мазмуни, аввало, шаҳардаги тарихий обидаларнинг қайта тикланишида яққол ўз аксини топди. Жумладан, кўплаб зиёратгоҳларда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, бир қанча тарихий ёдгорликлар қайтадан таъмирланмоқда.

Пири Сиддиқ мажмуаси — Марғилоннинг энг қадимий масканларидан бири. Унинг пайдо бўлиши ва номини Пайғамбаримизнинг сахобаларидан бўлмиш ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ авлодлари билан боғлайдилар. Маълумотларга кўра, бу ерда у зотнинг набираси дафн этилган ва қабр устига VII аср охирларида мақбара қурилган. Аммо шўролар даврида мазкур даргоҳ ташландиқ ҳолга келган эди.

Мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан юртимиздаги кўплаб муборак қадамжолар сингари бу мажмуа ҳам тубдан таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Пири Сиддиқ мажмуасида ўтган маросимда Президентимизнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлашга оид қарори миллий маънавиятимизни юксалтириш, ушбу шаҳардаги тарихий обидаларни тиклаш, шаҳарни обод этиш ва халқ фаровонлигини янада оширишда чинакам тарихий аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланди.

Бу шаҳардан кўплаб азиз-авлиёлар ва алломалар етишиб чиққан. Ислом дунёсининг буюк алломаси, машҳур "Ҳидоя" асарининг муаллифи, XII аср бошида таваллуд топган улуғ зот Бурҳониддин Марғиноний ҳам шу замин фарзандидир. Ислом ҳуқуқшунослиги буюк намояндасининг илму урфон оламига киришини Пири Сиддиқ мажмуаси билан боғлаб талқин этадилар.

Манбаларга қараганда, Бурҳониддин Марғиноний ҳазратлари 9 ёшида шу даргоҳга келиб, 13 йил давомида илму урфон ўрганган. Ул зот "Ҳидоя" китобининг биринчи қисмини шу ерда — Пири Сиддиқ мадрасасида ёзган.

## Ҳунармандлар маскани

1870-1875 йилларда Фарғона меъморчилиги услубида қурилган бу бино бугун марғилонлик ҳунармандлар маскани. У ўз даврининг таниқли зиёлиларидан бўлган Хўжа Саид Аҳмад томонидан бунёд этилган. Маълумотларга қараганда, ўлкамизга илғор технологиялар ва саноат корхоналарини олиб келишга биринчилардан бўлиб киришган бу маърифатпарвар тадбиркор маҳалласидаги болаларнинг илм-маърифатли бўлишини истаб, савобли ишга қўл урган — ушбу бинони — мадрасани қурдирган.

Шу ҳудудда мўъжазгина масжид ҳам бўлиб, унинг айвони ва зали бетакрор гуллар билан безатилган. Безак ва услубларининг ранг-баранглиги ҳозирги кунда ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортади.

Ўтган асрнинг 20-йилларида шўролар бу ерни маҳбуслар сақланадиган жой — қамоқхонага айлантирган. Айтишларича, "муштумзўр бой" тамғаси билан ҳибсга олинган Хўжа Саид Аҳмаднинг ўзи ҳам муайян муддат шу ерда сақланган.

Узоқ йиллик қаровсизлик оқибатида қулаш ҳолатига келиб қолган ушбу мажмуа 1993 йили қисман таъмирланиб, шаҳар ҳунармандлари ихтиёрига берилди. Президентимизнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори асосида эса бу мажмуа тубдан таъмирланди ва Миллий ҳунармандчилик марказига айлантирилди.

Ушбу марказнинг фойдаланишга топширилишида мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат мактабларини тиклаш йўлида олиб борилаётган улкан ишларнинг кўлами кенг ва аҳамияти беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Мажмуада шаҳар усталари томонидан яратилган ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Унда вилоятнинг турли ҳудудларидан таклиф этилган етмишдан зиёд ҳунарманд ўз маҳсулотлари — мисгарлик, зардўзлик, адрас, атлас, гиламчилик буюмлари билан иштирок этди. Айниқса, "Ташаббус-2007" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича ғолиб чиққан Матлубахон Исмоилованинг люфа — дастмолқовоқ ўсимлигидан тайёрланган турли ўлчамдаги тўшамалар, ўтирғич қопламалари, белбоғ сингари қирқдан зиёд табиий ва шифобахш маҳсулотлари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда намойиш этилаётган ноёб атлас, адрас ва ўндан ортиқ нодир гилам нусхалари ўзининг бетакрор миллий нақши, табиий бўёқларда, тоза ипакдан тайёрланганлиги билан ажралиб туради.

Машҳур атласчилар сулоласининг тўққизинчи авлод вакили Расулжон Мирзаахмедов 2005 йилда Бухоронинг ноёб "аъло бахмал" матосини юз йилдан сўнг қайта тиклагани учун Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ҳунармандлари орасида ЮНЕСКО совринига сазовор бўлган. У Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида Самарқанд ва Марғилон юбилейларига бағишлаб ўтказилган нуфузли кўргазмада иштирок этди, икки йилдан буён АҚШнинг Санта-Фе шаҳрида анъанавий халқаро ҳунармандлар кўргазмасида ўзи яратган ва қайтадан тиклаган ипак матолари билан иштирок этмоқда. Айни кунларда шаҳарда ўзи очган тўқимачилик, гиламчилик, зардўзлик, каштачилик устахоналарида ёшларга миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатаётир.

— Ушбу мажмуанинг тубдан таъмирланиб, шаҳримиз усталари ихтиёрига берилиши, аввало, истиқлолимиз шарофатидандир ва бу эзгу иш халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантиришга хизмат қилади, — дейди Р.Мирзааҳмедов. — Биз, ҳунармандларга яратиб берилаётган бундай кенг шарт-шароитлар ва доимий ғамхўрлиги учун Юртбошимиздан жуда миннатдормиз.



М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

## «Мени олдимдадур Фарҳод ожиз, кўҳкан нозик...»

Халқимизнинг севимли қўшиқларидан бирига айланган "Нозик" радифли машҳур ғазал муаллифи Жаҳон отин Увайсий ҳам марғилонлик. У 1789 йилда шаҳарнинг Чилдухтарон маҳалласида таваллуд топган.

Увайсийдан авлодларга бой адабий мерос қолган. Унинг қаламига мансуб девон, "Шаҳзода Ҳасан" достони шулар жумласидандир. Шаҳарнинг 2000 йиллиги муносабати билан Увайсий дафн этилган ҳудудда шоиранинг уй-музейи қурилиб, хилхонасида қурилиш-тиклаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Марғилонда фаолият кўрсатаётган Жаҳон отин Увайсий адабий тўгараги ёш ижодкорларда адабиётга меҳр-муҳаббат уйғотиш, иқтидорли ёшларни устозлар адабий мактаби сабоқлари руҳида тарбиялаш ва шу асосда навқирон авлод онг-шуурида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Тўгарак аъзолари орасида Дилфуза Содиқова, Наргиза Охунова ва Нилуфар Абдуғаниева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Увайсий уй-музейида ўтган тадбирда кўҳна Марғилон заминида туғилиб вояга етган, ўзбек мумтоз адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган шоира Жаҳон отин Увайсий ижодий мероси ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмайдиган улкан маънавий бойлик экани қайд этилди.

— XIII-XIX аср Қўқон адабий муҳитида вояга етган ижодкорлар миллий адабиётимиз тарихида муҳим ва салмоқли ўрин тутади, — дейди академик Азиз Қаюмов. — Увайсий ана шу давр адабий муҳитининг энг ёрқин намояндаларидандир. Шу маънода, истиқлол йилларида мамлакатимизда мумтоз бадиий обидаларни, шу жумладан, Увайсий шеъриятини тадқиқ этиш масаласига катта эътибор қаратилаётгани жуда қувонарлидир.

## Яшараётган шаҳар

Бугун Марғилон шаҳрида бўлган киши бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида кўплаб маҳаллаларда сув тармоғини қуриш, магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилди. Қайтадан бунёд этилган Деҳқон бозори, турли маиший ва савдо шохобчалари аҳоли хизматида. Бу ерда амалга оширилаётган барча эзгу ишлар ечимида, даставвал, инсон, инсон манфаатлари бош омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай бунёдкорлик ишларида қурувчиларнинг ҳиссаси катта. Марғилонда кейинги йилларда барпо этилган кўплаб иншоотларда Олтиариқ туманидаги "1-кўчма механизациялашган колонна" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Раҳматжон Эркабоев бошчилигидаги қурувчилар жамоасининг ҳиссаси катта. Ушбу корхона эса нафақат қурилиш ишлари билан машҳур, балки унда ғишт, алибастер, оҳак, темирбетон, ёғочни қайта ишлаш, замонавий эшик ва ромлар тайёрлаш цехлари ҳам ишлаб турибди.



— Яқинда корхонамиз қошида лойиҳа гуруҳи ташкил этилди ва бу ерга малакали мутахассисларни жалб этдик — дейди Раҳматжон ака. — Эндиликда қурадиган объектларимизнинг аксарият лойиҳаларини ўз мутахассисларимиз тайёрлаб бермоқда. Бизнинг бир ярим минг кишилик жамоамиз ҳам шаҳар тўйига тайёргарлик ишларида ўз улуши борлигидан фахрланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Марғилон тарихида биринчи бор меҳмонхона, ёшлар хиёбони, аквапарк, ёпиқ сув спорти мажмуаси каби замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилаётир. Буларнинг барчаси шаҳар аҳолиси турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар бераётган самаралардандир.

Юртбошимиз ўтган йили сентябрь ойидаги ташрифи чоғида Марғилон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ўтган давр ичида Президентимизнинг ана шу тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, янги барпо этилган тиббиёт коллежининг замонавий ўқувчилар тураржойи қурилди. Марғилон шаҳридаги янги маҳалла гузари ва Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) биноси ҳам ана шундай хайрли ишлар жумласидандир.

Янги маҳалла гузари ям-яшил майсазор, ишком ва боғ билан безатилган. Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини самарали фаолият олиб бориши учун барча қулайлик яратилган. Замонавий компьютер техникаси, қулай мебель жиҳозлари, иш юритиш учун зарур ускуна ва анжомлар билан таъминланган хоналар фаоллар ихтиёрида. Гузарнинг мажлислар зали, шунингдек, маънавият ва маърифат хонасида турли тадбирлар уюштириш имконияти мавжуд.

ФҲДЁ бўлимига ажратилган Тантаналар зали эса ўзининг муҳташам ва улуғворлиги билан йирик шаҳарлардаги ана шундай муассасалардан асло қолишмайди.

Ҳар икки муассасанинг фойдаланишга топшириш маросимида юртимизда маҳалла институтини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, оилани мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

— Бугун нафақат қадимий шаҳримиз Марғилон, балки бутун юртимиз янада гўзаллашиб, фаровонлашиб бораётгани кишиларимизда меҳр, оқибат, саховат туйғулари янада теранроқ намоён бўлишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Марғилон шаҳар бўлими раиси Абдуғани Латипов. — Эл-юрт ободлиги, хусусан, шаҳримиз ободончилиги, тарихий қадриятларни тиклаш ва ёшлар тарбиясига қаратаётган юксак эътибори учун Юртбошимиздан миннатдормиз.

Янги ФҲДЁ бўлимида тўрт нафар ёш келин-куёвларни расмий никоҳдан ўтказиш маросими бўлди. Ёш оила аъзоларига Адлия вазирлиги ва Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан совғалар топширилди.

## Баркамол авлод тарбияси

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ ўтган йили Марғилон шаҳрида ҳам 32-умумий ўрта таълим мактабининг салкам минг ўринли замонавий биноси қуриб битказилди. Лекин асосий мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, уларнинг шароитини яхшилашдангина иборат эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Бунда, албатта, жойларда барпо этилаётган ёшлар маданият масканлари ва спорт иншоотлари ҳам муҳим ўрин тутади. Марғилон юбилейи арафасида қуриб битказилган "Ёшлар хиёбони" қарийб 11 гектар майдонни эгаллаган. Унда "Аквапарк", 1400 ўринли амфитеатр, чойхона, интернет-кафе ва турли аттракционлар мавжуд. Хиёбоннинг катта қисмида 2500 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган.

"Ёшлар хиёбони" ва «Аквапарк» мажмуасининг фойдаланишга топширилиш маросимида сўзга чиққан "Осиётекс" акционерлик жамияти ёш мутахассиси Шерзод Ёқубов ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Нилуфар Абдуғаниева ўз она шаҳрида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, шаҳар ёшларининг билим олиши ва мазмунли ҳордиқ чиқариши учун яратилган бундай имкониятлар учун Юртбошимизга самимий миннатдорликларини изҳор этдилар.

Тадбир доирасида амфитеатрда жам бўлган йигит-қизлар — Фарғона вилояти ҳамда Марғилон шаҳридаги профессионал ва ҳаваскор ансамбллар, эстрада гуруҳлари иштирокида театрлаштирилган байрам тантанаси бўлиб ўтди. Тантаналар ёшлар сайлига уланиб кетди.

Шаҳарнинг қутлуғ тўйи муносабати билан амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг кўлами кенг. Ёпиқ сув спорти мажмуи ва янги меҳмонхона ҳам фойдаланишга топширилиш учун тайёр.

Ҳа, мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бой тарихимиз, миллий давлатчилигимиз ҳамда кўҳна қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутиб келган, муқаддас заминимиздаги цивилизация бешикларидан бўлган қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйларини нишонлаш мамлакатимизда хайрли анъанага айланди.

Бу залворли ишларнинг замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун эканлиги амалда ўз исботини топмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

*"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган "Истиқлол карвони" марафони иштирокчилари Қорақалпоғистонга келди.*

# «ИСТИҚЛОЛ КАРВОНИ» – ОРОЛБЎЙИДА

Элликқалъа шаҳрида шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари, ёшларимизнинг замон талаблари асосида таълим-тарбия олишлари, комил инсон бўлиб улғайишлари учун яратилаётган шарт-шароит ҳақида сўз юритдилар.

Марафон иштирокчилари Элликқалъа туманидаги тарихий обидалар, янги бунёд этилган замонавий иншоотлар билан танишдилар. Айниқса, ёшлар маънавиятини бойитиш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш йўлида олиб борилаётган ишлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, илм ўрганиш борасида ёшларнинг фаоллиги марафон қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

— Қорақалпоғистон ёшларига хос интилишни кўриб жуда қувондик, — дейди марафон раҳбари Фахруддин Ашрафхўжаев. — Бу ерда уларга яратилган шарт-шароит, ёшлар ўз қўллари билан бунёд этаётган ишлар таҳсинга сазовор. Ана шундай фарзандлари бор юртнинг истиқболи порлоқ бўлади, албатта.

Шунингдек, улар тумандаги "Сарибий" овулида янгидан бунёд этилаётган агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносини ҳам кўздан кечирдилар. Бу ерда меҳнат қилаётган Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг "Бунёдкор-2007" отряди аъзолари билан суҳбатлашдилар.

Марафон иштирокчилари Беруний туманида ҳам бўлди. "Истиқлол карвони" марафони Оролбўйи бўйлаб давом этмоқда.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**










## ТЕНДЕР МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**қуйидаги эълон қилинган тендерлар бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 21 августгача узайтирилганлигини маълум қилади:**

* **«Лайнер» дам олиш** масканининг бошланғич баҳоси камида 996 000 (тўққиз юз тўқсон олти минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион мажбуриятлари камида 180 000 (бир юз саксон минг) АҚШ долларини ташкил этади. Дам олиш маскани Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган бўлиб, ҳудуди 7 гектарни ташкил этади.
* **«Алгоритм» дам олиш** масканининг бошланғич баҳоси камида 70 000 (етмиш минг) АҚШ долларини ҳамда инвестицион мажбуриятлари камида 201 000 (икки юз бир минг) АҚШ долларини ташкил этади. Дам олиш маскани Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани, Хумсон қишлоғида жойлашган бўлиб, ҳудуди 5 гектарни ташкил этади.

Мазкур объектга энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган объектлар бўйича тендер ҳужжатларининг қиймати 50 (эллик) АҚШ доллари миқдорида (ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу кундаги расмий курси бўйича миллий валютада) белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

- *валюта рақами 20203840500600289001;*
- *ҳисоб рақами 20203000600600289001*

*«Ипак йўли» акционерлик-инновация тижорат банкининг амалиёт бўлими бошқармаси,*
*100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-«А» уй,*
*ИНН 201122696, МФО 00444, S.W.I.F.T. коди: INIPUZ22.*

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 21 август куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш маросими 2007 йил 21 август Тошкент вақти билан соат 15.00 да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси,**
**100003, Тошкент шаҳри,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси.**

**Норматов Нуркамол Байхонович эътиборига.**
**Телефон: +998 71 139-21-90.**
**Факс: +998 71 139-20-72.**
**Эл. почта: gki-gu@rambler.ru**

## NOTIFICATION ON PROLONGATION OF TENDER DEADLINE

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

**hereby announces on prolongation of the deadline for receiving Bids till August 21, 2007 of the previously announced tenders for sale of:**

**Recreational area "Layner".** With the starting bidding price — not less than **USD 996 000** (nine hundred ninety six thousand). Investment obligations — not less than **USD 180 000** (one hundred eighty thousand). Location - Bostanlyk district, Tashkent region. Total area — 7 hectares.

**Recreational area "Algoritm".** With the starting bidding price — not less than **USD 70 000** (seventy thousand). Investment obligations — not less than **USD 201 000** (two hundred one thousand). Location — Bostanlyk district, Tashkent region. Total area — 5 hectares.

At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for above mentioned share packages of enterprises, real-estate objects and undertake the highest value of investment obligations.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to the State Property Committee the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming payment made.

The price of Tender Documentation package amounts for USD 50 (fifty), which should be transferred to the following account:

*Foreign currency account number: 20203840500600289001*
*Current account number: 20203000600600289001*
*in the JSC innovational commercial bank of «Ipak Yoli»*
*TIN 201122696, bank code 00444,*
*12-A, Farhadskaya str., 100135, Tashkent*
*S.W.I.F.T. code: INIPUZ22*

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on August 21, 2007.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on August 21, 2007.

Tender participants or their authorized representatives, who have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**State Property Committee**
**55, Uzbekistanskaya str.,**
**100003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention: Mr. Nurkamol B. Normatov**
**Phone: + 998 71 139 21 90**
**Fax: + 998 71 139 20 72**
**E-mail: gki-gu@rambler.ru**

Истеъдод

# Зомин илҳомлари

***Жиззах вилоятининг сўлим Зомин туманида республика ёш ижодкорларининг анъанавий анжуманларини ўтказиш одат тусига кирган. Бу галги ўн биринчи анжуманда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 39 нафар ёш қаламкаш иштирок этди.***

Улар мамлакатимизнинг таниқли ёзувчи, шоир ва адабиётшунosларидан бадиият ва маҳорат сабоқларини олдилар, шеърият, наср, драматургия, мунаққидлик борасида беллашдилар. Анжуман очилишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А. Орипов, Жиззах вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М. Анорбоев сўзга чиқдилар.

Уч кунлик беллашувдан сўнг анжуманнинг олий мукофотига жиззахлик Ирода Умарова, 1-ўринга қашқадарёлик Дилафрўз Чориева, фарғоналик Дилшода Ҳалимжонова, 2-ўринга қорақалпоғистонлик Насибали Мамбетризаева, андижонлик Барно Солиева, 3-ўринга сурхондарёлик Сумбула Поллиева, тошкентлик Гулчеҳра Умарова, самарқандлик Илҳом Шералиевлар сазовор бўлдилар.

Анжуманда бир гуруҳ ёшлар Ўзбекистон Миллий университетининг олий адабиёт курсига йўлланмани қўлга киритдилар, жиззахлик ижодкорлардан Абдували Қаршиев, Мирзабек Давронов, Абдусаттор Содиқов Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия қилиндилар.

**Я. ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Шарқнинг нафис оҳанглари, дилбар наволари бу йил қадимий Самарқандда олтинчи бор янграйди. Олтинчи бор дунё аҳли кўҳна шаҳардаги жаҳоншумул нуфузли санъат анжуманини берилиб томоша қилади. 2005 йилда бўлиб ўтган халқаро мусиқа фестивалида* ***50*** *дан ортиқ мамлакатдан* ***400*** *нафардан зиёд ижрочилар, меҳмонлар, журналистлар келишганди. Бу йилги анжуман иштирокчиларининг эса янада кўпайиши кутилаяпти.*

# ОЛАМ АҲЛИ ЖЎРОВОЗ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» том маънода кўҳна Самарқандни, мустақил Ўзбекистонни ҳар томонлама дунёга танитди, бой маданий меросимиз, санъатимизни оламга ёйди. Анжуман баҳона эллар элларга, диллар дилларга боғланди, миллату элатлар ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланди.

Бугун Самарқандда навбатдаги мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Шаҳарнинг барча ҳудудларида, анжуманнинг очилиш маросими бўлиб ўтадиган Регистондан тортиб олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, хиёбон ва боғларда ҳозирданоқ фестиваль руҳини сезиш мумкин. Жаҳон андозалари даражасидаги кўплаб меҳмонхоналар анжуман иштирокчиларини кутмоқда.

Бу йилги фестивалнинг аҳамиятли жиҳати унинг мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллиги тантаналари билан уйғунлашиб кетишидадир. Бундай қўшалоқ байрамларнинг гувоҳига айланиш арафасидаги самарқандликларнинг қувончига сўз ожиз.

— Ўтган барча фестивалларнинг шоҳидиман, — дейди Самарқанд шаҳридаги Мир Саид Барака маҳалласи раиси Суннат Кубаев. — Ҳар сафар анжуманнинг очилиш чоғида фестивалнинг мадҳияси ижро этилганда, «Салом, Самарқанд — Шарқ дарвозаси, Тарал жаҳонга, Шарқ таронаси...» каломлари жаҳоннинг турли тилларида ижро этилганда вужудимда аллақандай илиқлик сезаман, Ватанимга бўлган муҳаббатим янада ошади, қалбим қувончларга тўлади. Кўп миллатли маҳалламиз аҳли ҳам навбатдаги халқаро мусиқа фестивалини интиқлик билан кутаяпти.



ЎзА сурат-лавҳалари.

Бу йил ҳам одатдагидек, мусиқа анжумани қадимий Регистонда — Тиллакори, Улуғбек, Шердор мадрасаларида театрлаштирилган томошалар билан бошланади. Шаҳар марказий истироҳат боғидаги ўз номига яраша «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Суғдиёна» боғлари, «Яшил театр», «Шоирлар боғи» каби кўплаб оромгоҳларда ижрочилар ўз маҳоратларини намойиш этади. Бундан ташқари, анжуман иштирокчилари бир неча туманларда ҳам санъатсеварлар меҳмони бўлишади.

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали йилдан-йилга оммалашиб бормоқда. Навбатдаги анжуманнинг нуфузи ҳар галгидан-да юқорироқ бўлиши кутилаяпти. Шу боис ҳам тайёргарлик ишлари кун сайин кучайтирилаяпти. Самарқанд саҳналарида Шарқ халқларининг нафис оҳанглари янграшига оз фурсат қолаяпти. Ана шу наволар мумтоз санъат қудратини, унинг умуминсоний моҳиятини яна бир бор намойиш этиб, Шарқ тароналарини бутун жаҳонга таратади, албатта.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт •

# ЙЎЛЛАНМАЛАР КЎПАЙМОҚДА




***Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларида қатнашиш барчанинг орзуси ҳисобланади. Айни кунларда жойларда келаси йили Пекинда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи турнирлар ўтказилмоқда.***

Кеча сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Россия очиқ чемпионатида қатнашиш учун Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетганлиги ҳақида хабар бергандик. Мана бу хушхабарни эса газета саҳифаланаётганда олдик. Унда айтилишича, чемпионатнинг биринчи куни икки нафар ҳамюртимиз, Навоий вилояти вакиллари Пётр Ромашкин ва Ирина Шлемова 100 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида Олимпиада йўлланмасини қўлга киритишибди.

Бугунгача енгил атлетикачилар Виталий Смирнов, Гўзал Хуббиевалар Олимпиада йўлланмасига эга бўлишган эди.

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН

***Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилнинг куз ойида Штутгартда (Германия) бўладиган жаҳон чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.***

Яқинда спорт гимнастикасидан биринчи рақамли вакилимиз Антон Фокин Москвада мураббийи Шуҳрат Мамадалиев билан ўқув-йиғин машғулотларини ўтказган эди. Куни кеча у Хитойда бўладиган жаҳон кубогининг навбатдаги босқичида қатнашиш учун жўнаб кетди.

## КЛИЧКО ЖАНГГА ШАЙ

***Профессионал бокснинг ўта оғир вазнида IBF (Халқаро бокс федерацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличко ўзига навбатдаги рақибни қидирмоқда, деб хабар беради "Спорт Сегодня" интернет нашри.***



Украиналик боксчи яқинда, яъни 7 июль куни Лэмон Брюстерга (АҚШ) қарши жангда чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилиб, рақибини техник нокаут ҳолатига туширганди.

Боксчи америкалик "чарм қўлқоп" усталари Эвандер Холифилд ва Хасим Раҳмонни ўзига муносиб рақиб, деб ҳисобламоқда. Мусобақа жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши мўлжалланяпти.

Шунингдек, Владимир Кличко профессионал бокснинг WBA (Халқаро бокс ассоциацияси) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Руслан Чагаев ва WBO (Халқаро бокс ташкилоти) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, россиялик Султон Ибрагимов ўртасидаги қўш камар учун кечадиган жанг ғолиби билан рингга тушиши мумкинлигини ҳам айтган. Қўш камар учун жанг 13 октябрда бўлиб ўтади.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хабар

## Фавқулодда вазиятларга тайёрмисиз?

**Бухорода Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш ва уларда ҳаракат қилиш дастури асосида волонтёр-қутқарувчиларнинг ўқув машқлари бошланди.**

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад қутқарувчи-кўнгиллиларнинг билим ва маҳоратларини ошириш, уларнинг фавқулодда вазиятлар рўй берганда, қутқарув ишларини ташкил этиш борасидаги амалий кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат. Ўқув машқлари Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари халқаро Федерацияси кўмагида ташкил этилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қилмиш — қидирмиш

***Ангрен шаҳридаги "Ойбек нур файз" хусусий фирмаси раҳбари Ботирали Азизов янги турдаги махсус гувоҳномага эга бўлгунга қадар алкоголли маҳсулотлар савдоси билан шуғулланмаслиги ҳақида ёзма мажбурият олган эди. Афсуски, нафси устунлик қилиб, лафзини унутди.***

## ЭГРИЛИК — КАСОФАТ

Жами қиймати 728 минг сўмлик 65 турдаги 428 шиша спиртли ичимликларни савдога яширинча чиқарди. Устига устак, шаҳар солиқчилари ўтказган қисқа муддатли текшириш жараёнидаги назорат харидi пайтида савдо қоидаларини яна бир карра қўпол равишда бузди. Мижозга сиғими 250 граммлик бир шиша "Спецзаказ" ароғини 1100 сўмга сотди-ю, чек беришни хаёлига ҳам келтирмади.

Шу шаҳардаги "Собиржон — Баракат" хусусий фирмаси раҳбари Шаҳноза Бойманованинг қонунбузарлиги бундан-да ошиб тушди. У ўзи очган "Жасмин" кафебарида кирим ҳужжатлари йўқ талайгина спиртли ичимликлар, сигаретлар ва бошқа маҳсулотларни сақлаётган экан. Қаҳвахонанинг ёшгина сотувчиси Руслан Аброров эса ароқ-виноларни майдалаб пуллаш билан банд. Ана шу боис шохобчадаги харидоргир молларнинг барчаси рўйхатга олиниб, фирма раҳбари ва сотувчига нисбатан Жиноят кодексининг 186-1-моддаси 2-қисми "б" ва "г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Янгийўллик И.Енилиев Қозоғистон Республикасидан хуфёна тарзда олиб келинган спиртдан ўз уйида қўлбола ароқ тайёрлаб сотишни йўлга қўйганида тез орада бойиб кетишни ўйлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо у ҳам қинғир ниятига эришолмади. Негаки, ўзаро ҳамкорликда иш юритган шаҳар солиқ инспекцияси ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бўлинмаси ходимлари унинг савдоси билан қизиқишди. Сохта тадбиркор харидор О.Рихсибоевга 60 шиша ароқни 54 минг сўмга пуллаётганида қўлга тушди.

Навбатдаги текширишлар жараёнида "Самарқанд" кўчасида ўзбошимчалик билан фаолият кўрсатаётган Б.Ғойибназаров ва Д.Мамадалиеваларнинг ғайриқонуний фаолиятларига ҳам чек қўйилди. Сабаби, иккалови ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиш учун юридик ёки жисмоний шахс сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмаган, алкоголли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия олмаган ва назорат-касса машинаси ўрнатмаган ҳолда хўрандалару мижозларга хизмат кўрсатишга киришиб кетган. Охир-оқибат, улар қонун олдида жавоб берадиган бўлдилар.

"Қилмиш — қидирмиш" деганлари мана шу бўлади.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.







«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшма марказий кенгаши Тошкент темирйўл муҳандислари институти проректори Эркин Қаҳҳоровга падари бузруквори

**ВОСИД** отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари Библиография ва ҳужжатшунослик кафедраси мудири

**Иргаш ЮЛДАШЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва республика йўл хўжалиги жамоаси компания Автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Алимовга волидаи муҳтарамаси

**МУНИСХОН** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6